

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САФАЕВ ЁДГОРБЕК УЛУГБЕКОВИЧ

**СТАНДАРТ ПЕРКУТАН НЕФРОЛИТОТОМИЯ АМАЛИЁТИДАН
КЕЙИН ОПТИМАЛ НЕФРОСТОМИК НАЙЧА ТАНЛОВИ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаев Ёдгорбек Улугбекович

Стандарт перкутан нефролитотомия амалиётидан кейин оптимал
нефростомик найча танлови 3

Сафаев Ёдгорбек Улугбекович

Выбор оптимального нефростомического дренажа после стандартной
перкутанной нефролитотомии 23

Safaev Yodgorbek Ulugbekovich

Selection of optimal nephrostomy drainage after standard percutaneous
nephrolithotomy 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САФАЕВ ЁДГОРБЕК УЛУГБЕКОВИЧ

**СТАНДАРТ ПЕРКУТАН НЕФРОЛИТОТОМИЯ АМАЛИЁТИДАН
КЕЙИН ОПТИМАЛ НЕФРОСТОМИК НАЙЧА ТАНЛОВИ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2568 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва "Ziyonet" (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухтаров Шухрат Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гайбуллаев Асилбек Асадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Файзулла Юлдашович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**“Миллий радиология илмий-тадқиқот маркази”
Федерал бюджет муассасининг Н.А. Лопаткин
номидаги урология ва интервенцион радиология
илмий-тадқиқот институти филиали (Россия
федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (184-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли тарқатиш баённомаси реестри).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши
қошидаги илмий семинари раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Нефролитиаз энг кенг тарқалган урологик касаллик бўлиб, умумий аҳолининг тахминан 5-10 фоизи ушбу касалликдан азият чекади. Сўнгги йилларда ижтимоий, маиший ва экологик турмуш шароитлари, озиқ-овқат сифати ва тузилиши, аҳолининг урбанизацияси ўзгариши туфайли касалланиш кўпайган. 1976 йилда перкутан нефролитотомиянинг (ПКНЛТ) кашф этилиши нефролитиаз жарроҳлигида инқилобга олиб келди. Халқаро кўрсатмаларга кўра, ПКНЛТ 2 см дан каттарок бўлган буйрак тошларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг асосий усули ҳисобланади.¹ Вақт ўтиши билан асбобларнинг кичрайиш тенденцияси кузатилди. Стандарт ПКНЛТ амалиёти ўтказилишини талаб қилувчи мураккаб буйрак тошларининг салмоқли улуши мавжуд. Бу ўлчами 24-30 Fr бўлган перкутан кириш йўлидан фойдаланишни ва ташрихдан сўнг нефростомик найчани ўрнатишни назарда тутди. Шундай қилиб, нефролитиаз урологиянинг жиддий муаммоси бўлиб қолмоқда ва ПКНЛТ бунда «энг яхши даволаш натижаларига эришиш учун индивидуал ёндашув ва замонавий технологияларни талаб қилувчи буйрак тошларининг ҳар хил турларида қўлланиладиган муҳим жарроҳлик даволаш усули бўлиб қолмоқда».² ПКНЛТ амалиёти ўтказилганда ташрихдан кейинги даврда сезиларли оғриқ ва ҳатто буйракдан қон кетиши, сепсис ва ёндош аъзоларнинг шикастланиши каби хавфли асоратлар кузатилиши мумкин. Нефролитиазнинг эндоскопик жарроҳлигини янада такомиллаштириш учун қўлланилаётган усулларнинг самарадорлигини баҳоловчи илмий асосланган маълумотлар зарур. Даволашнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминловчи, шунингдек нефролитиаз билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиловчи янги оптимал ПКНЛТ усулларини ишлаб чиқиш тиббиётнинг ушбу соҳасида долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда буйрак, ичак ва суяклардаги калцийнинг тубуляр ташилишини рағбатлантирувчи молекуляр механизмларга эътибор қаратувчи кўп марказли тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда ва бунда асосан сийдик-тош касаллигига олиб келадиган гиперкальциурия билан боғлиқ соҳаларга урғу берилмоқда, умумий популяцияда сийдик-тош касаллигида учрайдиган буйрак тубулаларининг литоген субстратлари ва кристалланиш ингибиторларини тартибга солишда иштирок этувчи бир қатор генларни аниқлаш билан бирга тўлиқ геномли тадқиқотлар олиб борилмоқда, секвенирлаш 35 хил турли генни ўз ичига олган ҳолда, буйрак тошлари пайдо бўлишининг моноген сабабини аниқлаб беради.

Мамлакатимизда жарроҳликни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари урологик касалликларга чалинган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига

¹Geraghty RM, Davis NF, Tzelves L, Lombardo R, Yuan C, Thomas K, et al. Best Practice in Interventional Management of Urolithiasis: An Update from the European Association of Urology Guidelines Panel for Urolithiasis 2022. Eur Urol Focus. 2023;9(1):199-208.

²Sadiq AS, Atallah W, Khusid J, Gupta M. The Surgical Technique of Mini Percutaneous Nephrolithotomy. J Endourol. 2021;35(S2):S68-s74.

олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича ривожланиш стратегиясига, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан нефролитиазни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ва янги технологияларни қўллаш орқали унинг асоратларини камайтириш ушбу касалликнинг юқори клиник ва ижтимоий аҳамияти туфайли оператив урологиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефролитиаз бутун дунё бўйлаб тобора кенг тарқалиб бормоқда. АҚШда 2000 йили СТКга асосий диагноз сифатида шикоят билан мурожаат қилган беморларнинг 2 миллионга яқин амбулатор ташрифлари қайд етилган. Австралия давлат касалхоналарида 2006 йилдан 2007 йилгача госпитализация қилинган беморлар бўйича таққосланган маълумотлар шуни кўрсатдики, ҳар йили аҳолининг 100 000 нафарига 131 та юқори сийдик йўллари тошлари билан касалланиш ҳолати тўғри келган⁴. Нефролитиаз нафақат юрак-қон томир касалликлари хавфини оширади, балки яқинда ўтказилган мета-таҳлил кўрсатишича, у беморлар популяциясидан қатъи назар, сурункали буйрак касаллиги хавфини ошириши ва буйрак касаллигининг сўнгги босқичи учун муҳим хатар омили бўлиши мумкин⁵. Сийдик тоши симптоматик тош шаклланиши билан туташувчи сурункали метаболик касаллик сифатида концепцияланади. Тош ҳосил бўлишида калций оксалат моногидратининг пайдо бўлиши кристалл ўсиши модификаторлари томонидан тартибга солиниши кўрсатилган. Кристалланиш ингибиторлари ўнлаб йиллар

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

⁴ Tan RYP, Rao NN, Horwood CM, Passaris G, Juneja R. Recurrent nephrolithiasis and loss of kidney function: a cohort study. *Int Urol Nephrol.* 2023 Jun;55(6):1539-1547. doi: 10.1007/s11255-023-03463-x.

⁵ Zhe M, Hang Z. Nephrolithiasis as a risk factor of chronic kidney disease: a meta-analysis of cohort studies with 4,770,691 participants. *Urolithiasis.* 2017;45(5):441-448. doi: 10.1007/s00240-016-0938-x.

давомида терапевтик усул сифатида тан олинган бўлса-да, СТКни даволашнинг самарали модификаторларини кашф этишда чекланган ютуқларга эришилган⁶. СТК билан боғлиқ шароитлар ва сценарийларда турли хил биомаркерлар ўрганиб чиқилган. Ушбу биомаркерлар одатда сиворотка маркерлари, янги сийдик оқсиллари ва яллиғланиш жараёнлари ҳисобланади, ва улардан фойдаланиш клиник мутахассисларга асосий жараёнлар ҳақида кўпроқ маълумот тақдим этишга, шунингдек, буйрак тошлари, сийдик йўлларидаги ўткир обструкцияси, тошларнинг сийдик йўлларидаги ўтиши ва улар билан боғлиқ инфекция асоратлари бўлган беморларни аниқлаш ва тоифаларга ажратишни яхшилашга қаратилган⁷. 2000 йилда Maheshwari стандарт ПКНЛТдан кейин 20 нафар беморга диаметри 28 Fr бўлган нефростомик найчалари, қолган 20 нафар беморга эса 10 Fr ўлчамдаги нефростомик найчалари ўрнатилган тадқиқот натижаларини эълон қилган. 2012 йилда Cormio ва унинг ҳамкасблари кўплаб беморлар билан ўтказилган кўп марказли, рандомизацияланган синов натижаларини эълон қилганлар. Бироқ, тадқиқотда операцияларни бажариш усуллари, яратилган нефростомик ёндашув йўлларидаги ўлчамлари ва гуруҳлар орасидаги тошларнинг ўлчамлари сезиларли даражада фарқ қилади. Бугунги кунга келиб, хорижий адабиётларда перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатиладиган нефростомик найчанинг оптимал ўлчами ва турини танлаш муҳимлигига бағишланган тадқиқотлар миқдори жуда чекланган⁸.

Ташрих натижаларига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ўзгартирилиши мумкин бўлмаган омиллар ва назорат қилиш мумкин бўлган омиллар⁹. Биринчи гуруҳга тошнинг катталиги ва жойлашиши, косача-жом тизимининг тури ва тана массаси индекси киради. Иккинчи гуруҳга перкутан ёндашиш жойи, контактли литотомия усули, жарроҳнинг тажрибаси ва, албатта, операция охирида ўрнатиладиган ва операциядан кейинги қон кетиш хавфи ва оғриқ даражасига таъсир қилиши мумкин бўлган нефростомик найчанинг ўлчами ва тури киради. ПКНЛТ билан боғлиқ қон кетиш ҳолатларининг турли частоталари ҳақида хабар берилган бўлиб, улар қон қуйиш ҳолатларида 3,8% дан 17,5% гача ва томир ичи эмболизацияси қўлланилганда 0,9% дан 1,3% гача ўзгариб турган¹⁰. Дренаж диаметрининг қанчалик катта бўлиши қон ивиндилари обтуратсияси хавфини камайтиришга ёрдам беради ва уларни фаол ювилишини осонлаштиради, чунки нефростомик дренаж тизимида сийдик оқимига қаршилик мавжуд

⁶Zhang XZ, Lei XX, Jiang YL, Zhao LM, Zou CY, Bai YJ, Li YX, Wang R, Li QJ, Chen QZ, Fan MH, Song YT, Zhang WQ, Zhang Y, Li-Ling J, Xie HQ. Application of metabolomics in urolithiasis: the discovery and usage of succinate. *Signal Transduct Target Ther*. 2023 Jan 21;8(1):41. doi: 10.1038/s41392-023-01311-z.

⁷Hinojosa-Gonzalez DE, Eisner BH. Biomarkers in Urolithiasis. *Urol Clin North Am*. 2023 Feb;50(1):19-29. doi: 10.1016/j.ucl.2022.09.004.

⁸Guo S, Zhang X, Li F, Sun C, Zhang Y, Cao X. One-stage tubeless percutaneous nephrolithotomy for asymptomatic calculous pyonephrosis. *BMC Urol*. 2022 Mar 7;22(1):29. doi: 10.1186/s12894-022-00983-z.

⁹Abid N, Conort P, Franquet Q, Roustan FR, Meria P, Almeras C; Lithiasis Committee of the French Association of Urology (CLAFU). 2022 Recommendations of the AFU Lithiasis Committee: Percutaneous nephrolithotomy. *Prog Urol*. 2023 Nov;33(14):854-863. doi: 10.1016/j.purol.2023.08.010.

¹⁰Poudyal S. Current insights on haemorrhagic complications in percutaneous nephrolithotomy. *Asian J Urol*. 2022 Jan;9(1):81-93. doi: 10.1016/j.ajur.2021.05.007.

эмас. Ушбу гуруҳларга муҳҳим резидуал тошлар, жом-уретерал сегментининг шишиши, косача-жом сегментининг тешилиши, сезиларли қон кетиши, қўшни органларнинг шикастланиши билан тавсифланган аралашувлар киритилган¹¹. 2020 йилда Жамил ПКНЛТнинг 119 та ҳолатини ўз ичига олган тадқиқот натижаларини эълон қилган. Ушбу тадқиқот рандомлаштирилмаган эди. Натижалар операциядан 6 ва 24 соат ўтгач, фақат ВАШ баллари бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқни кўрсатган. Бироқ, бизнинг тадқиқотимизда ВАШ таҳлили операциядан 24 соат ўтгач амалга оширилган ва бу кўрсаткич бўйича гуруҳлар ўртасида ишончли тафовут топилмаган¹².

Адабиётлар маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, нефролитиазни даволашнинг эндоскопик усулларини ишлаб чиқишда эришилган ижобий натижаларга қарамай, тактик муаммолар ҳали ҳам мавжуд, шу жумладан ҳар бир бемор ва унинг буйрак ҳолати учун энг мос бўлган оптимал жарроҳлик усулини танлашда стандарт ёндашув йўқ. Ушбу мавзу бўйича тўлиқ маълумотларнинг етишмаслиги сабабли, нефролитиаз билан оғриган беморларни даволаш усулларини яхшилаш зарурияти ушбу тадқиқотни ўтказиш учун сабаб бўлди. Бу нефролитиазда миниинвазив жарроҳликни янада тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатиладиган нефростомик дренажнинг оптимал тури ва ўлчамини аниқлаш орқали нефролитиазли беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатилган нефростомик найча турининг ташрихдан кейинги давр кечишига таъсирини баҳолаш;

стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатилган нефростомик найча ўлчамининг ташрихдан кейинги давр кечишига таъсирини тадқиқ қилиш;

стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатилган нефростомик найчанинг ҳар хил турлари ва ўлчамларининг ташрихдан кейинги асоратлар пайдо бўлишига қандай таъсир қилишини таҳлил қилиш;

¹¹Geraghty RM, Davis NF, Tzelves L, Lombardo R, Yuan C, Thomas K, et al. Best Practice in Interventional Management of Urolithiasis: An Update from the European Association of Urology Guidelines Panel for Urolithiasis 2022. Eur Urol Focus. 2023;9(1):199-208.

¹²Jamil S, Ather MH. The impact of post PCNL tube type on blood loss and postoperative pain. Pak J Med Sci. 2020;36(3):402-6.

стандарт перкутан нефролитотомия амалиётида тана вазни индексини ҳисобга олган ҳолда нефростомик найчанинг тури ва ўлчамига қараб ташриҳдан кейинги давр кечишини баҳолаш;

нефростомик дренаж тури ва ўлчамига боғлиқ ҳолда Clavien-Dindo мослаштирилган таснифи бўйича стандарт перкутан нефролитотомиянинг ташриҳдан кейинги асоратларини тизимлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-йилнинг февраль ойидан 2023-йилнинг сентябрь ойигача бўлган даврда “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази”да буйрак тошлари туфайли перкутан нефролитотомия амалиёти ўтказилган сийдик-тош касаллигига чалинган 300 нафар беморларнинг оператив даволаш натижаларини проспектив таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг предмети сийдик йўллари дренажлаш усулларига боғлиқ ҳолда буйрак тошлари туфайли ўтказилган перкутан нефролитотомиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш натижаларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стандарт перкутан нефролитотомиядан сўнг баллончасиз нефростомик дренажни ўрнатиш сийдикнинг дренаж атрофидан оқиб чиқиши, уринома, гематурия ҳосил бўлиши хавфини ошириши исботланган;

стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатиладиган нефростомик дренажнинг оптимал тури ва ўлчами 18 Fr баллончали дренаж эканлиги аниқланган, ва ушбу дренаж тури бир томондан ишончли фиксация, ҳаёт сифатини яхшилаш ва бошқа томондан гематурия, инфекция асоратланишлар ва обструкция хавфини камайтириши асосланган;

стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин косача-жом тизимини дренажлашда пункция жойидан масофани узоқлашиши мутаносиб равишда дренаж дислокацияси хавфини ошириши ва шу сабабдан семизлиги бор беморларда баллончали нефростомик найча ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатилган нефростомик дренажнинг тури ва ўлчами операциядан кейинги ўзига хос асоратларнинг ривожланиш частотасига ишончли таъсир кўрсатиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

перкутан нефролитотомияни амалга оширишда буйракнинг етарли даражада дренажланишини таъминлаш учун, нефролитиаз билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаган дренажларнинг оптимал тури ва ўлчами аниқланган;

семизлик мавжуд беморларга нефростомик дренажнинг баллонли турини ўрнатиш унинг дислокация бўлиш хавфини сезиларли даражада камайтириши исботланган;

стандарт перкутан нефролитотомияни амалга оширишда таклиф этилган тавсиялардан фойдаланиш дренаж атрофидан сийдик сизиби чиқиши, уринома, гематурия, сийдик йўллари инфекцияси каби ташрихдан кейинги асоратларни ривожланиш хавфини камайтиришга имкон бериши қайд этилган;

ўлчами 18 Fr бўлган нефростомик дренажнинг баллончали турини қўллаш ташрихдан кейинги реабилитация сифатини яхшилаши, оғрик қолдирувчи воситаларга бўлган эҳтиёжни камайтириши ва умуман олганда, ташрихдан кейинги стационар даволаниш муддатини камайтириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳолини баҳолашнинг объектив мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, замонавий илмий ва амалий талабларга жавоб берадиган услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятига эга бўлиб, эндоскопик нефролитиаз жарроҳлигини оптималлаштириш орқали сийдик-тош касаллиги билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқишга муҳим хисса қўшиши билан изоҳланади.

перкутан нефролитотомиядан кейин нефростомик дренажнинг оптимал тури ва ўлчамини ўрганиш, сийдик-тош касаллиги билан оғриган беморларнинг турли гуруҳларида, шу жумладан, кораллсимон ва кўп сонли буйрак тошларида ҳамда сийдик найи тошларида беморларни эндоскопик даволашнинг клиник ва иқтисодий кўрсаткичларини оширишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ Эксперт кенгашининг 2024 йил 6 майдаги 06-05-013-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ нинг 2024 йил 6-майдаги 213-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: стандарт перкутан нефролитотомиядан сўнг баллончасиз нефростомик дренажни ўрнатиш реабилитация даври давомийлигини сезиларли даражада узайишига сабаб бўладиган дренаж атрофидан сийдик оқиб чиқиши, уринома шаклланиши ва гематурия ривожланиш хавфини ошириши исботлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №33/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бу турдаги операциядан кейинги асоратларни ривожланиш хавфини камайтириш орқали дренаж атрофидан сийдик оқиши, уринома ва гематуриянинг юзага келиш холатлари, реабилитация даври сезиларли даражада камаяди. Ушбу тоифадаги беморларда операциядан кейинги даврда юқорида кўрсатилган

асоратлари бўлган беморларга қараганда, меҳнат ва ўз-ўзини парвариш қилиш қобиляти 20% га яхши. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ва тикланиш даврини қисқариши беморларнинг нормал ҳаёт ва меҳнатга эрта қайтишига ёрдам беради. Бу ижтимоий фаолликни сақлашга ва жамият ҳаётида иштирок этишга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин баллончали нефростомик дренаждан фойдаланилганда, операциянинг ўртача нархи 4 895 000 сўмга туширилади, бу еса ҳар бир операциядан 330 000 сўмгача тежаш имконини беради. Бундан ташқари, дренаж атрофидан сийдик оқиб чиқиши, уринома ва гематурия каби асоратларни ривожланиш хавфи камаяди, бунинг учун ўртача 1 215 000 сўмлик қўшимча тиббий аралашувлар талаб этилади. Хулоса: Нефростомик дренажнинг баллончали турини танлаш балончасиз дренаж билан солиштирганда ҳар бир операциядан тахминан 330 000 сўмни тежаш имконини беради. Йилига 300 та операция амалга оширилса, жами жамғарма тахминан 99 000 000 сўмни ташкил қилиши мумкин. Бундан ташқари, жами операциялар сонининг ўртача 19 фоизини ташкил етувчи (57 та операция) асоратлари бўлган ҳолларда йилига қўшимча харажатлардан 69 255 000 сўмгача маблағни тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024-йил 6 май куни 213-сонли хат юборилган;

иккинчи илмий янгилик: стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатиладиган нефростомик дренажнинг оптимал тури ва ўлчами 18 Fr баллончали дренаж эканлиги, ушбу дренаж тури бир томондан ишончли фиксацияни, ҳаёт сифатини яхшиланишини ва бошқа томондан гематурия, инфекция асоратлар ва обструкция ривожланиш хавфини камайтиришни таъминлаши аниқлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №33/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: дренаж дислокацияси, гематурия каби асоратларнинг кузатилмаслиги ва ҳаёт сифатининг ошиши беморларнинг аҳволини яхшилашда асосий ўрин тутди, уларнинг тезроқ тикланишига имкон беради. Жарроҳликдан кейин тез тикланиш ва ногиронлик хавфини камайтириш беморларнинг ижтимоий интеграциялашувига фойдали таъсир кўрсатади. Диссертация тадқиқотига кўра, 13% ҳолларда дренаж дислокацияси ва гематурия каби асоратлар ривожланиши мумкин. Баллончали 18 Fr нефростомия дренажидан фойдаланганда ва операциядан кейинги асоратлар бўлмаса, даволаниш муддатини ўртача 2 ётоқ кунига қисқартириш мумкин ва шу орқали 660 000 сўмгача ва йил хисобида жами 297 000 000 сўмгача маблағ тежалиши мумкин. Хулоса: стандарт перкутан нефролитотомиядан сўнг 18 Fr баллончали нефростомик дренажни ўрнатиш сезиларли маблағ тежалишига олиб келиши мумкин. Перкутан

нефролитотомия операциясининг ўртача қиймати 5 225 000 сўмни ва даволаниш муддатини 2 ётоқ кунига қисқартириш мумкинлигини ҳисобга олсак, ҳар бир бемор учун 660 000 сўмгача ва йил ҳисобида жами 297 000 000 сўмгача маблағ тежалиши мумкин. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024-йил 6 май куни 213-сонли хат юборилган;

учинчи илмий янгилик: стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин косача-жом тизимини дренажлашда пункция жойидан масофани узоқлашиши мутаносиб равишда дренаж дислокацияси хавфини ошириши ва шу сабабдан семизлиги бор беморларда баллончали нефростомик найча ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги аниқлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №33/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: семизлиги бор беморлар умумий сондан 25,7% ни ташкил этишини ва ушбу тоифадаги беморларда дислокация хавфи 11,5 баравар ортишини ҳисобга олсак, стандарт перкутан нефролитотомиядан кейинги даврда баллончали 18 Fr ўлчамли нефростомик дренажни ўрнатиш муҳим шартдир. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: косача-жом тизимини дренажлашнинг тавсия этилган усули нафақат семизлиги бор беморларда дренажнинг дислокация хавфини сезиларли даражада камайтиради, балки соғлиқни сақлаш тизими учун потенциал иқтисодий фойдани ҳам кўрсатади. Асорат юзага келганда касалхонада бўлиш муддатини узайиши бўйича статистик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу техникадан фойдаланиш асоратларни даволаш харажатларини ҳар бир бемор учун 790 000 сўмга ва ётоқ кунларининг 1,8 кунга қисқаришини ҳисобга олган ҳолда, даволаниш давомийлигидан иқтисод 594 000 сўмни ташкил этади. Жами жамғарма 1 384 000 сўмни ташкил қилиши мумкин. Хулоса: Семизлиги бор беморларда асоратлар частотасининг 4% лиги ва улар пайдо бўлганда касалхонада узок вақт қолинишини ҳисобга олсак, ушбу техникадан фойдаланиш асоратларни даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва ётоқ кунларини қисқартиради. Йиллик тежамкорлик прогнози ҳар бир бемор учун потенциал харажатларни 1 384 000 сўмга камайтиришни ва 300 та амалиётни ҳисобга олганда жами 16 608 000 сўмни тежашни кўрсатади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024-йил 6 май куни 213-сонли хат юборилган;

тўртинчи илмий янгилик: стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин ўрнатилган нефростомик дренажнинг тури ва ўлчами ташрихдан кейинги

Ўзига хос асоратларнинг ривожланиш частотасига ишончли таъсир кўрсатиши исботлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №33/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Операциядан кейинги даврда буйракдан қон кетиши билан боғлиқ бўлган асоратларни камайтириш беморларнинг аҳволини яхшилашда асосий ўринни тутди, минимал қон йўқотилиши туфайли тезроқ тикланишига имкон беради. Қон кетиш каби асоратларни бошдан кечирмаган беморлар 40% тезроқ ишга қайтади ва дренаждан 2-3 кун олдинроқ халос бўлади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Стандарт перкутан нефролитотомия бажарилганда даволанишнинг ўртача нархи 5 225 000 сўмни ташкил этади. Баллончасиз ёки кичик диаметрли нефростомик найча ўрнатилган ҳолатларда буйракдан қон кетиш билан боғлиқ асоратлар диссертация маълумотларига кўра беморларнинг 13 фоизда ривожланиши мумкин. Баллончали 18 Fr нефростомик дренажлаш ёрдамида асоратлар хавфини минималлаштириш ва даволаниш муддатини ўртача 2 ётоқ кунига қисқартириш ва шу билан ҳар бир бемор учун 660 000 сўмгача тежамкорлик бўлиши мумкин. Шунингдек, жами иқтисодий жамғарма йилига 297 000 000 сўмгача бўлиши мумкин. Хулоса: Илмий тадқиқот натижасида стандарт перкутан нефролитотомиядан кейин 18 Fr баллончали нефростомик дренажни ўрнатиш иқтисодий самарадорликни сезиларли тежашга олиб келиши мумкин. Тери орқали нефролитотомия операциясининг ўртача қиймати 5 225 000 сўмни ва даволаниш муддатини 2 ётоқ кунига қисқартириш мумкинлигини ҳисобга олсак, ҳар бир бемор учун 660 000 сўмгача тежамкорлик бўлиши мумкин. Шунингдек, жами иқтисодий жамғарма йилига 297 000 000 сўмгача бўлиши мумкин. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024-йил 6 май куни 213-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матнининг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объектлари ва мавзулари тавсифланган, тадқиқотнинг республикадаги илмий-тадқиқий ишларнинг устувор тематик режаларига мувофиқлиги, илмий ва амалий натижалар илмий нуқтаи назардан ёритилган, олинган илмий ва амалий натижаларнинг аҳамияти, илмий натижаларнинг апробацияси, нашр этилган ишларнинг намуналари ва диссертация мазмуни келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Нефролитиазнинг эндоскопик жарроҳлик усулларини оптималлаштиришнинг тиббий аҳамияти ва тиббий-услубий масалалари»** деб номланган бўлиб, унда адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда нефролитиазни даволашнинг замонавий ёндашувлари ва усуллари таҳлил қилинган, асосий эътибор перкутан нефролитотомиясига (ПКНЛТ) қаратилган. Мақолада биринчи навбатда турли хил ПКНЛТ техникалари, уларнинг самарадорлиги, афзалликлари ва асоратланишлари, шу жумладан тери орқали кириш ва нефростомалардан фойдаланиш ёндашувлари муҳокама қилинган. Бундан ташқари, тошларнинг локализацияси ва ўлчамининг аҳамияти, буларнинг усулни танлашга ва операция муваффақиятли ўтказилишига таъсири таъкидлаб ўтилган. Шарҳда шунингдек, ПКНЛТдан кейин юқори сийдик йўллариининг дренажланиши ва асоратланишларни олдини олиш учун уни оптималлаштириш мавзусига тўхталиб ўтилган. Хулосада тадқиқотнинг долзарблиги таъкидланиб, нефролитиазни даволаш учун эндоскопик жарроҳликни қўллаш соҳасидаги муаммолар ва ҳал қилинмаган масалалар ҳақида умумий маълумот бериб ўтилган.

«Клиник кузатишлар ва тадқиқот усуллариининг хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобда, беморларни текшириш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг объектлари, материаллари ва усуллари, даволаш натижаларини баҳолаш кўлами ва мезонлари, шунингдек, натижаларни статистик таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар тавсифи келтирилган. Ушбу тадқиқотда "Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази" давлат муассасасида 2020 йилдан 2022 йилгача даволанган СТК билан оғриган 300 нафар беморни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари келтирилган. Тадқиқот учун проспектив, рандомлаштирилган ва назорат қилинадиган дизайн танланган. Диссертация доирасида 2 та кенг кўламли тадқиқот олиб борилган. Биринчи тадқиқотда нефростомик найчанинг турига кўра ПКНЛТ натижалари ва операциядан кейинги даврнинг қиёсий таҳлили ўтказилган. Бунинг учун беморлар икки гуруҳга бўлинган: А гуруҳи – баллончали нефростомик дренаж қўйилган 150 нафар бемор; Б гуруҳи – баллончасиз нефростома ўрнатилган 150 нафар бемор. Иккинчи тадқиқотда нефростомик дренажининг ўлчамига қараб ПКНЛТ самарадорли ва хавфсизлиги нисбий баҳоланган. Бунинг учун, беморлар 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳ – 22 Fr ўлчамдаги нефростома ўрнатилган 100 нафар бемор, II гуруҳ – 18 Fr ўлчамдаги нефростома ўрнатилган 100 нафар бемор и III гуруҳ – 14 Fr ўлчамдаги нефростома ўрнатилган 100 нафар бемор.

Операциядан кейинги бемор ҳолатини биринчи ва учинчи суткаларда Визуал аналогли шкала бўйича операциядан кейинги оғриқнинг интенсивлиги, ишлатилаётган опиоидли ва наркотик бўлмаган анальгетикларнинг дозалари, нефростомик дренажларни олиб ташлаш муддатлари ва касалхонада ётиш кунлари, шунингдек, (WISQOL)¹³ Висконсин сўровномасига мувофиқ: операциядан олдинги, операциядан 1 кун, 3 кун ва бир ой сўнгги ҳаёт сифати каби параметрларни таққослаш йўли билан баҳоланган. Операциядан кейинги асоратланишлар Ш.Т. Гиясов ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан таклиф қилинган мослаштирилган Клавиен-Диндо таснифи ёрдамида таснифланган.¹⁴

Учинчи боб «**Нефростомик найча турининг операциядан кейинги давр кечишига таъсири**» деб номланган ва унда нефростомик найча турига қараб операциялар натижаларини қиёсий баҳолаш натижалари келтирилган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, операциядан кейинги биринчи суткада операциядан кейинги оғриқ интенсивлигининг ўртача қиймати иккала гуруҳ учун 6 баллни (Квартиллар аро оралиқ - КАО=1) ташкил этган, учинчи суткада эса оғриқ интенсивлигининг ўртача қиймати иккала гуруҳда ҳам 4 баллгача (КАО =1) тушган. Статистик таҳлил ушбу параметр бўйича гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни топмади ($p > 0.05$; U Манн-Уитни мезони).

Операциядан кейин оғриқ қолдирувчи (Промедол, Аналгин, Диклофенак) воситалардан фойдаланишни таҳлил қилишда, нефростомик найча турига кўра гуруҳлар ($p > 0,05$) ўртасида ҳеч қандай фарқ топилмаган.


Нефростомик найчани олиб ташлашнинг ўртача муддати 2 (КАО =1) кунни ташкил этган, ушбу кўрсаткич гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан фарқ қилмаган ($p > 0,05$; U Манн-Уитни мезони), яъни нефростомик найчанинг тури бу кўрсаткичга таъсир кўрсатмаган (1-расм).

Ўрнатилган нефростомик найчанинг турига қараб стационар даволаниш давомийлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, баллончали нефростомик найча ишлатилган А гуруҳидаги медиан (ўртача) ётоқ-куни 3 кунни (КАО 2 кун) ташкил этган. Баллончасиз нефростомик найча ишлатилган Б гуруҳида эса медиан(ўртача) ётоқ-кун 4 кунни (КАО 2кун) ташкил қилган. Баллончали нефростомик дренаж қўлланилганда, касалхонада қолиш муддати баллончасиз дренажга нисбатан бир кунга қисқариши маълум бўлган, бу ҳол эҳтимол, баллончали дренаж ўрнатилган беморларда операциядан кейинги асоратланиш даражаси камроқлиги билан боғлиқ бўлган (1-расм).

Дренаж дислокацияси 10 (3,3%) беморда кузатилган. Дренаж дислокацияси ва семириш (ТМИ > 30) ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш натижасида, семиз беморларда дренаж дислокациясининг нисбий хавфи 11,58 баробар юқорирок ($p < 0,05$) эканлиги маълум бўлган (1-жадвал). Шунингдек, дренаж дислокацияси баллончасиз нефростома қўйилган беморларда кўпроқ учраган (6 га қарши 1).

¹³ Penniston KL, Antonelli JA, Viprakasit DP, Averch TD, Sivalingam S, Sur RL, et al. Validation and Reliability of the Wisconsin Stone Quality of Life Questionnaire. J Urol. 2017;197(5):1280-8.

¹⁴ Гиясов Ш.И. Осложнения эндоскопической хирургии нефролитиаза: причины, классификация, тактика, прогноз. // Дисс...докт. мед. наук. Ташкент. 2015 год.



1-расм. Нефростомик дренажни олиб ташлаш муддатларининг қиёсий таҳлили ($p > 0,05$; U Манн-Уитни мезони) ва нефростомик найча турига қараб стандарт ПКНЛТ ўтказилган беморларда стационар даволаниш давомийлиги ($p < 0,05$; U Манн-Уитни мезони).

1-жадвал

Семизликнинг мавжудлигига қараб, ПКНЛТ амалиётидан кейинги дренаж дислокацияси билан асоратланиш хавфи жадвали ($p = 0,0017$)

	Дренаж дислокацияси	Асоратланишсиз	Жами
Семизлиги бор беморлар	8	69	77
Семизлиги бўлмаган беморлар	2	221	223
Жами	10	290	300


Изоҳ: Нисбий хатар = 11,58

Нисбий хатар учун 95 % ишонч интервали = 2,5142 – 53,3762

Диссертациянинг тўртинчи боби «Нефростомик найча ўлчамининг операциядан кейинги давр кечишига таъсири» деб номланган бўлиб, нефростома ҳажмининг ПКНЛТ операциядан кейинги даврнинг кечишига таъсирини аниқлашга қаратилган тадқиқот тавсифи келтирилган. Тадқиқот учун 300 бемор қайта тақсимланди: I гуруҳ – 22 Fr ўлчамдаги нефростомаси бўлган 100 нафар бемор, II гуруҳ – 18 Fr ўлчамдаги нефростомаси бўлган 100 нафар бемор ва III гуруҳ – 14 Fr ўлчам нефростомали 100 нафар бемор.


Операциядан кейинги биринчи суткада нефростома ўлчами 22 Fr (I гуруҳ) бўлган гуруҳда операциядан кейинги оғриқнинг ўртача интенсивлиги 7 (КАО=1) даражасида қайд этилди, бу бошқа гуруҳларга қараганда 1 балл юқорироқ, уларда бу кўрсаткич 6 (КАО =1) га тенг бўлган. Учинчи суткага келиб, операциядан кейинги оғриқ интенсивлигининг энг паст даражаси 14 Fr ўлчамли дренаж ишлатилган III гуруҳда қайд этилган (медиана 3; КАО =1),

бошқа гуруҳларда бу кўрсаткич юқорирок бўлиб, медиана 4 (КАО =1) ни ташкил этган; ($p < 0,05$; Kruskal-Wallis тести); (2-расм).



2-расм. ПҚНЛТ амалиётининг турли даволаш даврларидаги нефростомик дренажнинг ўлчамига қараб, жарроҳликдан кейинги оғриқ интенсивлиги таҳлили ($p < 0,05$; Kruskal-Wallis тести).

I гуруҳда бошқа гуруҳларга нисбатан 3 баробар кўпроқ Аналгин қўлланилган ва дозировканинг медиан қиймати I гуруҳ учун - 3000 ни, бошқа гуруҳларда эса - 1000 ни ташкил этган. Диклофенакдан фойдаланиш бўйича баҳолаш ўтказилганда, аналгин билан ўхшаш тенденция аниқланган. Гуруҳлар ўртасида Диклофенакдан фойдаланиш частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланмаган ($p > 0,05$, Хи-квадрат). Бироқ, Аналгинда бўлгани сингари, ушбу гуруҳларда қўлланилган Диклофенак дозаларида ҳам сезиларли фарқ аниқланган ($p < 0,05$; Kruskal-Wallis тести). Хусусан, I гуруҳда (медиана 225 мг; КАО=150) бошқа гуруҳларга қараганда 150 баравар кўп Диклофенак қўлланилган (II ва III гуруҳларда КАО=150); (расм-3).




3-расм. Нефростомик найчанинг ўлчамига кўра, ПҚНЛТ амалиётидан кейинги даврда қўлланилган наркотикмас анальгетиклар дозалари (Аналгин 500 мг, Диклофенак 75 мг) қиёсий таҳлили.

Нефростомани олиб ташлаш учун ўртача муддат 2 кунга тенглиги аниқланган, III гуруҳда КАО 2 кунни (бошқа гуруҳларда 1 кунни) ташкил этган; ($p < 0,05$; Kruskal-Wallis тести). Бу эҳтимол, энг кичик ўчамли нефростома гуруҳида, гематуриянинг юқори частотаси ва сийикни дренаждан ташқариги сизиб чиқиши билан боғлиқ бўлган.


